

Ажзий (тахаллуси; асл исми Саидахмад Хасанхўжа ўгли Сиддикий) (1864 — Самарканд — 1927) — маърифатпарвар шоир, таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1926). Самарканд, Бухоро мадрасаларида ўқиган. Араб, форс, озарбайжон тилларини мукамал билган. Кейинрок рус тилини ҳам ўрганган. 1901—03 йилларда Кавказ, бир катор Араб мамлакатлари ва Россияга саёхат килган. Жиддада маълум муддат рус элчихонасида таржимон бўлган. Самаркандга кайтгач, шаҳар якинидаги Халвойи кишлогида янги усулдаги мактаб очиб, ўқитувчилик килган. Лев Толстой хикояларини, Крилов масалларини, Гоголнинг «Шинель» повестини ўзбек ва тожик тилларига таржима килган (1908—10). Дарслик ёзиб, таржималаридан намуналар киритган. Ажзий 80-йиллардан шеър ёза бошлаган. «Айн ул-адаб» («Одоб чашмаси», 1916), «Ганжинаи хикмат» («Хикмат хазинаси», 1914) каби шеърый тўпламлари, «Миръоти ибрат» («Ибрат ойнаси», 1914), «Анжумани арвох» («Арвохлар йигини», 1912) дostonлари нашр килинди. «Миръоти ибрат»да Туркистоннинг ўша даврдаги фожиали ахволи ва ундан кутулиш чоралари хакида бахс юритган. Илм-фан, давлат, тил, конун — буларсиз ҳеч бир миллатнинг истикболи йўқ, бу тўрт нарсани кўлга киритмаган миллат халокатга махкумдир, дейди. «Анжумани арвох»да эса хонликдаги тургунлик танкид килинган. Шеърлари чуқур фалсафий мазмуни, ижтимоий-сиёсий мушохадалари, Фузулий ва Бедилона услуби билан ажралиб туради. У миллий уйғониш даврининг барча шоирлари сингари кенг оммани маърифатга бошлаш, ҳақ-ҳуқуқини англатишни адабиётнинг бош мавзуи деб билди.

Ажзий 1917 йил февраль инкилобидан кейин ижтимоий ҳаракатда бевосита иштирок этди. 1918—21 йилда Вилоят Адлия комиссари лавозимида ишлади. 1922 йилдан яна ўқитувчиликка кайтган. Самаркандда ўзбек ва тожик тилларидаги «Машраб», «Мулла Мушфикий» каби ҳажвий журналларни, «Зарафшон» газетасини чиқаришда фаол иштирок этган. «Майна», «Гинагина», «Шашпар», «Тир», «Гумном», «Олмос» имзолари билан ҳажвий асарлар ёзган. Уларда шўро тузумида юз бераётган ўзгаришларни хушламаслик, келажакдан ҳавотирланиш кайфиятлари сезилади. 1903 йилда Халвойи кишлогида шоирнинг ўзи қурдирган мактаб хали ҳам бор, ҳозир унинг номида.

\* \* \*

Сан этма сарвати дунёдан эътибор тамаъ,  
Хазондан этмамали нашъаи баҳор тамаъ.

Садаф саховатининг хар даввоби баҳр эдамаз,  
Хасисдан ким эдар дури шохвор тамаъ.

Бу сахна манзарасиндан карор этма умид,  
Ким этди киштии даробдан карор тамаъ.

Кўнгул сижанжали занги тамаъ мукаддар эдар,  
Сокий бу кўзгу сафосинадур губор тамаъ.

Каноат ахлининг ахволи халқдан мастур,  
Эдар разолати холингни ошкор тамаъ.

Асири чангали базми меҳнат ўлмишсан,  
Насил бу хол ила сан айлагунг шикор тамаъ?

Тамаъ копусини зинхор очма, эй Ажзий,  
Жахонда эткуси таммоъи шармсор тамаъ.

\* \* \*

Надан жахона аён этди эътибор садаф?  
Ким этди жон гуҳарин халқ учун нисор садаф.

Сан ўйла толиби борони илму маърифат ўл,  
Чунонки толиби найсондурур баҳор садаф.

Хизонаи гуҳар ул, жумла халқа ул матлуб  
Ки, баҳра чекмади гаввоси интизор садаф.

Хамиша софдил ўлмок-ла иштихор эдакўр,  
Кўтарди ўйлаки оламда иштихор садаф.

Дурри маорифа ганжина айла магзи саринг,  
Гухар-ла магзсиз ўлмакдин энди ор садаф.

Тазаллум ахли тавозуъ нукуди-лан хижил эт,  
Халок эданлара лўълў эдар шумор садаф.

Ракибдан на жафо келса собир ўл, Ажзий  
Ким, ўлмади аччи сув ичра бекарор садаф.

\* \* \*

Парирўлар паришон зулфитак хотир парешонам,  
Паришонам надан, хотир парешонлик-ла хайронам.

Надан овора дашти гамда нолон кездугим билмам,  
Магар Мажнуни Лайлои нашоти базми ирфонам.

Гирифтори саводи хатту холи сафхаи дардам,  
Асири кулфати ранжу балою доги хирмонам.

Факиди эътиборам сарват асхобин капусида,  
Садафтак бахри бесомони олам ичра урёнам.

Хаводис сарсари хар ёна кездурмак-ла хар соат  
Парешонам, парешонам, парешонам, парешонам.

Гиноу сарвати мардумдан истигнодаям, аммо—  
Факирам, гарчи тахти факр майдонинда султонам.

Дагул хар зарра кам ўз оламинда курси ховардан,  
Бу янглиг гўшаи узлатда гўё бир Сулаймонам.

Давои захми носурим эмишдур сухбати ориф,  
Вале махдуфи пайкони балои кавми нодонам.

Эшит, ё раб, бу Ажзий эътиборинким, деюр хар дам:  
—Умиди афвинг этмак нўла гар мумтози нуксонам.

\* \* \*

Сийнам, ахбобларим, оташи гамдандур дог,  
Танда рухим неча осори аламдандур дог.

Фазл сармоясидан дасти муродимдур танг,  
Охким, хаста дилим мояи камдандур дог,

Ўлмади махрами асрори харими самадий,  
Зохидинг сийнаси савдои санамдандур дог.

Булбули хокнишин этди гулистон шавки,  
Кафаси хажрда раънои эрамдандур дог.

Бодаи хирс ила арбоби карамдур сархуш,  
Ажзий бу борада арбоби карамдандур дог.

\* \* \*

Кўнглум асрорини шарх этмага бир махрам йўк,  
Хамдами дард манам — дардима бир хамдам йўк.

Бахт ёр ўлмадигин англадим андинким, бан —  
Жисми мажрухима мархам тиларам—мархам йўк.

Хуррам ўлмакда жахон богина шарт эрди бахор,  
Дахр богинда бахор ўлди — дили хуррам йўк.

Жаннат обод эди Одам ила Хавводан,  
Жаннат ахволи надур, шимди анга одам йўк.

Ўлди тан калъаси гам лашкарин истехкоми,  
Гам учун гайр танин калъаси мустахкам йўк.

Ўлма озурда мани зордан, эй кўнглумким,  
Ман у соатдаки, маъдум ўларам — сан хам йўк.

Сонмишам ўйлаки, Ажзий, мана махсусми гам?  
Дедилар:—Гам емаким, дахрда бир бегам йўк.

\* \* \*

Хилолинг суратитак, эй фалак, каддим дуто этдинг,

Вужудум оташи хасрат-ла ёндурдунг, фано этдинг.

Алим озод экан, занжири истибдода банд этгач,  
Танимни хаста кўргач, рахм умид эттим-жафо этдинг.

Каноат этмадинг жисмимни зери поя этмак-лан,  
Тазаллум тиги-лан бошим кесуб, тандан жудо этдинг!

Мани гафлат шароби сархуш этмиш жоми макрингдан,  
Бошимга лашкари гам фавж-фавжи-лан рахо этдинг.

Балолар ўқларин ёгдурдунг, ижро ўлди бу бешак,  
Бу максад-лан мани махдуфи пайкони бало этдинг.

Хаётим, шавкатим, шаъним йикуб, туфрога паст эткач.  
Сару коримни. вайрон айладинг, бахтим каро этдинг!

Бузулсин чодаринг, анжумларинг назмидан айрилсун»  
Хароб ўл ман кабиким, обрўйим зери по этдинг!

Тани мажрухими кон катраси катъ ўлмаюб холо,  
Бошимга ханжари бедод чекмак муддао этдинг!

Фалак хам сан каби оворау саргаштадур, Ажзий,  
Вале билмасмиким, рахм этмади, чандон наво этдинг.